

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 51 (1282)

2020 ЙИЛ 24 ДЕКАБРЬ



TURON
BANK

“ТУРОНБАНК” КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ!



Барчамизга маълумки, бугунги глобалшув даврида инсоният тараққийнинг ҳар бир жабҳасида янгилик ва ўзгаришларни кузатиб бормоқдамиз. Улар кун сайин эмас, балки дақиқа, таъбир жоиз бўлса сония сайин жадал суръатларда давом этмоқда. Аммо, ҳар бир жамиятда шундай бир иллат борки, унинг оқибатида мамлакатнинг ривож, шаъни, қадр – қиммати поймол бўлиб, юксалишга бўлган ишончига путур етади, ҳатто инқирозга ҳам юз тутиши бор ҳақиқат. Бу коррупция ва порахўрликдир.

Бугунги учинчи ренессанс даврида тараққийнинг янги босқичига қадам қўяётган мамлакатимиз учун бу говнинг ҳар қандай шаклдаги кўриниши ислохотлар шиддатини сусайтириши билан хавфлидир. Шу боисдан ҳам давлатимиз раҳбари ўз ваколатига киришишлари биланоқ Президент сифатида имзо чеккан энг биринчи ҳужжатлари “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни бўлди. Ушбу ҳужжат меъёрларининг самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида шунингдек, коррупцияга қарши кураш бўйича 2019-2020 йилларга мўлжалланган давлат дастури ҳам қабул қилиниб, бу борада ягона давлат органи коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

(Давоми 3-саҳифада)



“ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Бугунги кунда банк хизматларини такомиллаштиришга эҳтиёж жуда долзарблашиб бораётир. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июнда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4366-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, банк тизимида очиқлик ва самарали ахборот сиёсатини амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш, банк кредитлари молиявий кўмағида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларни ва филиаллар фаолиятини ёритиш мақсадида 2020 йил 15-16 декабрь кунлари АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Қашқадарё вилоятига навбатдаги пресс-тур ташкил этилди. Унда 20 га яқин оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(Давоми 5-саҳифада)

Кредит сўраб банк ходими қош-қовоғига қараб ўтирадиган замонлар ўтди. Айниқса, Халқ банкида! Энди адолатли қарорни компьютерлар чиқаради!

КРЕДИТ УЧУН ҲУЖЖАТЛАРНИ КОМПЬЮТЕР ТўПЛАЙДИ

Чунки мижозга кредит ажратиш мумкинми, йўқми, агар ажратилса, миқдори қанча бўлади, бу саволлар жавобини энди компьютер дастурлари аниқлайди ва таҳлил қилади. Қандай қилиб дейсизми?

Бунинг учун маълумотлар “кредит конвейери” дастурига жойлаштирилса, кифоя. Мижознинг паспорт маълумотлари ИИВдан, кредит тарихи ва

мавжуд қарздорлиги Кредит бюросидан, ойлик даромадлари тўғрисидаги реал маълумот Пенсия тизимини базасидан, СТИР рақами Электрон солиқ базасидан олинади. “Андеррайтер” хулосаси ва электрон имзоси ҳам айти шу конвейернинг ўзидан шаклланади.

(Давоми 4-саҳифада)



МАРКАЗИЙ БАНК РАИСИНИНГ ЯНГИ ЎРИНБОСАРИ ЖАМОАГА ТАНИШТИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан Аюбхон Арибджанович Камалов Марказий банк раиси ўринбосари этиб тайинланди.



У Марказий банкнинг нақд пул муомаласини ташкил этиш, банк тизимида методология ишларини мувофиқлаштириш, кадрлар билан ишлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш, тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш каби йўналишларини мувофиқлаштириб боради.

Аюбхон Камалов 1971 йил Наманган шаҳрида туғилган. 1993 йил Ленинград қишлоқ хўжалиги институтини, 2001 йил Наманган муҳандислик-педагогика институтини татомлаган.

Банк тизимидаги фаолиятини 1994 йилда бошлаган. Кейинчалик Молия вазирлигида сектор мудир, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлаган. 2017-2019 йилларда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ижрочи директори сифатида фаолият юритган. 2019-2020 йилларда Наманган вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимида меҳнат қилган.

А.Камалов янги лавозимига тайинлангунга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Макроиқтисодий таҳлил, таркибий ўзгаришлар, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибияти мудир бўлиб ишлаб келаётган эди.

Шу кунгача Марказий банк раиси ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Саидқаҳҳор Муҳаммадқарим ўғли Холхўжаев Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосарлигига тайинланди. Саидқаҳҳор Холхўжаевнинг кейинги фаолиятларига омад ва муваффақиятлар тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банк Матбуот хизмати

2020 йилнинг 19 декабрь куни Ислоом тараққиёт банки (ИТБ) директорлар Кенгаши Ўзбекистонда умумий қиймати 509,2 млн. долларга тенг бўлган иккита йирик ва иқтисодий жиҳатдан аҳамиятли лойиҳани молиялаштиришни маъқуллади, деб хабар қилмоқда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги матбуот хизмати.

ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ 509,2 МЛН. ДОЛЛАРЛИК ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРАДИ

IsDB
البنك الإسلامي للتنمية
Islamic Development Bank



200 млн. долларлик биринчи лойиҳа Қорақалпоғистон Республикаси, шунингдек, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида бир қатор инфратузилмавий ва ижтимоий объектларни модернизация қилишни кўзда тутди.

Лойиҳа доирасида 1161 км сув таъминоти тизимлари, 626 км массив ичидаги ва массивга олиб боровчи йўллар, 1154 км паст кучланишли электр линиялари, 693 км ирригация ва дренаж тармоқлари, 155 ўқув, тиббий ва 100дан ортиқ бошқа иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Лойиҳанинг амалга оширилиши 710 мингдан ортиқ кишининг турмуш шароитини яхшилаш билан бирга, ушбу ҳудудларнинг барқарор ривожланишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

Банк томонидан 80 млн. доллар ажратилаётган иккинчи лойиҳа маҳаллий клиникаларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш орқали саратон касаллигига чалинган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимини ҳар томонлама такомил-

лаштириш дастурининг иккинчи босқичини амалга оширишни кўзда тутди.

Лойиҳанинг амалга оширилиши саратон касалигини эрта босқичларда аниқлашни йўлга қўйиш ва умуман даволаш сифатини яхшилаш имконини беради: 1,8 млн. нафардан ортиқ аёллар диагностика скринингдан ўтишга ва 150 минг саратон билан касалланган беморлар сифатли тиббий ёрдам олишга муваффақ бўладилар. Қайд этиш жоизки, аввалроқ мазкур дастурнинг биринчи босқичи доирасида Ислоом тараққиёт банки томонидан 37 млн. доллар миқдорда маблағ ажратилган эди.

Маълумот учун, ИТБ Республикада амалга оширилаётган ислохотларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкоридир. 1994 йилдан бошлаб йиллар давомида ҳамкорлик қилиш доирасида ИТБ томонидан 2 млрд. доллардан ортиқ маблағ тақдим этилди ва улار ҳисобига ўнлаб йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилди.

Finance.uz

"ТРАСТБАНК" РЕЙТИНГИ ТАСДИҚЛАНДИ

Халқаро "Fitch Ratings" агентлиги "Трастбанк" хусусий акциядорлик банкнинг миллий ва хорижий валютадаги, дефолт эмитентида (РДЭ), узоқ муддатли рейтингларини "В" даражасида, миллий ва хорижий валютадаги қисқа муддатли рейтингларини "В" даражада, барқарорлик рейтингини эса "b" даражада қайта тасдиқлади.



Халқаро "Fitch Ratings" агентлиги мутахассислари банкнинг самарали фаолияти унинг келгуси ривожланишида ҳам ўз ифодасини топишини, бунда молия бозорининг турли сегментларида олиб борилаётган юқори даромадли бизнес муҳим омил бўлишини қайд этти.

Бундан ташқари, "Трастбанк" хусусий акциядорлик банкга берилган рейтинг банкда молиявий воситалар-

ни янгилаб бориш сиёсатини оқилона юритилиши натижа-сида муассасанинг молиявий кўрсаткичлари ижобий, банк капитали эса юқори даражали эканлигини акс эттиради.

Бу ўз навбатида, узоқ истиқболдаги молиявий кўрсаткичлари ўсишига замин ҳозирлаб, банк хизматлари бозорининг асосий сегментлари бўйича юқори иш фаоллигини намоён этаётганидан далолатдир. Шу билан

бирга, банкнинг адекват капиталлашув, юқори ликвид кўрсаткичларга ҳамда халқаро молия институтлари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириши ҳисобига хорижий инвестицияларни жалб қилиш имкониятлари катта эканлигини тасдиқламоқда.

2020 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, банк капитали 809 млрд. сўмдан зиёдни ташкил қилди.

Сабохат ҲАЙИТҚОРИЕВА



“ТУРОНБАНК” КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ!

(Бошланиши 1-саҳифада)

Албатта, коррупция шундай иллатки, уни бир ёки икки идоранинг саъй-ҳаракати билан йўқ қилиб бўлмайди. Қачонки, барча фуқароларимиз, жамият унга қарши биргаликда курашиб, унинг илдиэларини йўқ қилишга киришсагина ижобий натижага эришиш мумкин. Айни шу маънода, “Туронбанк” АТБ тизимда фаолият олиб бораётган барча ходимлар учун доимий тарзда ўқув семинарлари ўтказилиб, коррупциявий ҳолатларнинг ҳар қандай тури нималарга олиб келиши, шахсий манфаат йўлида таъмағирлик, порохўрлик, мансаб ваколатини суистеъмол қилиш каби мудхис ҳолатларнинг жавобгарлиги ўта оғир бўлиши каби жиҳатлар бўйича тушунтиришлар берилмоқда.



Реклама ўрнида

Хусусан, айни вақтда молия муассасаси Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва банк Бошқарувининг 2019 йил 17 июнь куни тасдиқланган “Коррупцияга қарши курашиш бўйича” Дастур асосида иш олиб бормоқда. Қолаверса, яширин

иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” ҳам ишлаб чиқилган. Бунинг натижасида банкда коррупцион хавф-хатарлар ёки салбий ҳолатларнинг олдини олиш фаолияти билан шуғулланувчи ички

аудит ва конфлаенс-назорат тизимини жорий этиш, банк операцияларида инсон омилни камайтириб, ходимларда қонунбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатни шакллантириш каби ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республика

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда ўтказилган навбатдаги ўқув – семинаридан асосий мақсад ҳам банк ходимларининг яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги ҳуқуқий билимларини янада ошириш, соҳадаги янгилликлар ва қонун ҳужжатларига киритилган ўзгаришлар билан уларни яқиндан таништиришдан иборат бўлди. Хусусан, агентлик масъул ходимлари Муҳаммадали Асқоров ва Сардор Мамановлар одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, коррупция билан боғлиқ қонунбузарлик ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, очиқлик ва ошкораликни таъминлаш бўйича тегишли тақлиф ва тавсияларни бериб, фикр – мулоҳазаларда иштирок этишди.

“ТУРОНБАНК” МИЖОЗИНИНГ ЁНҒОҚ ВА БОДОМЗОРЛАРИ 2 МИНГ ГЕКТАРДА ЯСТАНДИ!

Азиздан Шарқ мамлакатлари аҳолиси шифобахш ўсимлик ва маҳсулотлардан тайёрланган дамлама ва табиий дори – дармонларни истеъмол қилиб, ўз иммунитетларини ва руҳий ҳолатларини яхшилаб келишган. Уларнинг рационларидан албатта, сархил поллиз экинлари ҳамда қони фойда бўлган қуруқ мевалар ўрин олганлигини тарихий манбалар ҳам исботлайди. Айниқса, ўз таркибиде темир, фосфор, мис, серотин каби моддалар, мой ва оқсилли сазловчи ёнғоқ меваси, ҳам сановатда ҳам табобатда энг фойдали неъматлардан биридир. Мана масалан, унинг барглари, гуллари, мева гўраси, пўстлоғи, пўчоғи, мағзининг пўстлоғи ва мойидан кенг фойдаланилади. Янроғидан олинувчи шира илиқ ҳолда қулоққа томизилса, йиринглашнинг олди олинади. Қобинининг қуюлтирилган шарбати томоқ оғриғини босиб, йўталга малҳам бўлади. Қовурилгани киндик устига қўйилса, ичак хасталигини даволаб, қабзиятга ёрдам беради.



Реклама ўрнида

Ёнғоқ мағзи, таом ҳазмини яхшилаб, қувватни оширади ва асаб тизими фаолиятини меъёрлаштиради. Қолаверса, ундан тайёрланган мураббо гипертония, қандли диабетни даволашда яхши самара беради. Баргларида тайёрланган дамлама меъда яраси, атеросклероз, шунингдек, йирингли яраларга тавсия қилинади. Баргининг қайнатмаси соч тўкилишининг олдини олиб, ўсишини тезлаштиради.

Статистик маълумотларга қараганда, дунёда ҳар йили 2 миллион тоннадан зиёд ёнғоқ етиштирилади. Сўнгги 4 йилда ушбу маҳсулотни истеъмол қилиш 20 фоизга ўсган бўлиб, АҚШ, Чили, Украина, Хитой ва Молдова энг кўп ёнғоқ экспорт қилувчи мамлакатлар сирасига киради. Сабаби, ёнғоқ дарахти мебеласозлик сановати учун қимматбахо хомашё бўлиб, талаб юқори бўлган товарлардандир. Ёнғоқдан узоқ йиллар давомида 250-300, ҳатто 500 килограммгача ҳосил олиш мумкин. Қолаверса, у намгарчиликка талабчан ва иссиқсевар дарахт ҳисобланиб, унчалик кўп меҳнат ва харажат ҳам талаб қилмайди. Ўзбекистон иқлим шароитида уни етиштириш жуда фойдалидир

аммо ҳозирга қадар ушбу турдаги экинларни кўпайтириш учун суғориладиган ерлар етарлича ажратилмаганлиги сабабли мамлакатимизда ёнғоқ плантациялари ривожланмаган. Айни шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда ва ерларидан унумли фойдаланиш, хусусан, адирли ерларга ёнғоқ бодом, ток, унаби каби экинлар экиш мақсадида Президентимиз томонидан 2017 йилда “Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан Ўзбекистонда ёнғоқчиликни ривожлантириш бўйича давлат дастури тасдиқланиб, унинг доирасида ёнғоқ кўчатларини республикага олиб келиш, лаборатория шароитида ёнғоқнинг тегишли минтақа табиий-иқлим шароитларига мос юқори ҳосилдор навларини ишлаб чиқариш, уларни ички ва ташқи бозорда сотиш ишлари йўлга қўйилди.

Яратиб берилган имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда “Туронбанк” АТБ мижозлари ҳисобланган “Sag Agro Яккабоғ”, “Sag Agro Фаллаорол” ва “Sag Agro Пайариқ” МЧЖлар Жиззах вилоя-

тининг Фаллаорол тумани, Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ тумани ва Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманларида 1,5 минг гектар майдонда интенсив ёнғоқзорлар ва бодомзорларни ташкил этди. Бунинг учун тадбиркорга Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки кредит маблағлари ҳисобидан молиявий кўмак берилди. “Халқимизда “Бир туп ёнғоқ эксанг, ҳосилдан етти авлоднинг баҳраманд бўлади”, деган гап бор. Бу бежиз эмас. Ёнғоқ дарахти 300-400-йил яшаб, ҳосил бергани боис ундан бир неча авлод бемалол баҳраманд бўлиши мумкин. Биласизми, ёнғоқ жуда ҳам намгарчиликка талабчан, қушсевар дарахт бўлиб, уни парваришlash ҳам қийин эмас. Қолаверса, у чиқиндисиз маҳсулотлар турига киради. Унинг нафақат мағзи, майдалангани ва уни, шунингдек, пўстлоғи ва ичидаги парда деворлари ҳам харидортирдир.

– Давлатимиз раҳбарининг айни шу йўналишда бизга яратиб берган шароитлари натижасида бугун алоҳида уюшма ташкил этилиб, ёнғоқ, бодом ва пистаниннг серҳосил замонавий плантацияларини яратиш, илмий усулларга

асосланган ва сув ресурсларни тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, бу борада маркетинг тадқиқотларини олиб бориш бўйича ишлар жадаллашди. “Туронбанк” АТБ билан ҳамкорликда бошлаган лойиҳамизнинг умумий қиймати 8,1 млн. АҚШ доллари бўлиб, шундан 5,7 млн. АҚШ доллари банк кредити ҳисобланади. Биз йилига 2,5 минг тонна маҳсулот, хусусан 1,8 минг тонна грек ёнғоғи ва 700 тонна бодом етиштиришни режалаштирганмиш. Бу тахминан 4,0 млн. АҚШ доллари дегани. Экспорт ҳажми эса ҳозирча 2,6 млн. АҚШ доллари дея баҳоланмоқда. Яъни, 50% ёнғоқ, 90% бодом маҳсулоти. Яратилган янги ишчи ўринлари 200 нафардан ортиқроқ, – деди “Sag Agro Яккабоғ” МЧЖ раҳбари Орзу Аминов.

Тадбиркорнинг сўзларига қараганда, айни вақтда Жиззах, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида ташкил этилган 2 минг гектарлик майдонларда Американиннг “Chandler” навли ёнғоқ ва “Avijor” навли бодомларининг кўчатлари экилган. Банкдан олинган кредит звизига эса кўчатлар олиб келиниб, Туркиянинг томчиликтаб суғориш технологиялари ўрнатилган. Қўшимча қилиш лозим, мазкур ёнғоқнинг “Chandler” навининг меваси йирик, пўчоғи юлқа ва мағзи оқ бўлиб, бозор талабига тўла жавоб беради. Бу навли ёнғоқ тоғли ҳудудларга 8х4 метр ўлчамда экилади. Шунда гектарига 200 туп жойлашади. Икки йиллик кўчат экилган, у уч йилдан сўнг ҳосилга киради. 8-йиллик ёнғоқ ўртача 40 килограмм ҳосил беради. Бунда 1 гектар майдондаги ёнғоқзордан 8 тонна ҳосил олиш имконияти яратилади. Агар ёнғоқнинг нархи ўртача 10 минг сўм эканини инобатга олсак, шу пайтгача фойдаланилмаган тоғолди ҳудуддаги 1 гектар майдондан 80 миллион сўм даромад олинади деганидир. 15-20 ёшли бир туп дарахт 180-200 килограммгача ҳосил беради. Албатта, бу ишлар ўз самарасини ҳам беришни бошлади.

“МИКРОКРЕДИТБАНК” ЯНГИ ТИЗИМ ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 29-июндаги “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли фармони асосан, “Микрокредитбанк” Бошқарувининг тегишли қарори билан Банк Юридик департаменти ташкилий тузилмасида Комплаенс-назорат хизмати ташкил этилди. Бу ҳақда Банк ахборот хизмати маълум қилган.

Айни дамда Банк тизимида коррупцияга қарши курашиш ишларини мувофиқлаштириш, Банк фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги миллий қонунчилик ва халқаро стандартларга мослаштириш, бу соҳадаги Банк ички меъёрий ҳужжатлар базасини яратиш

ва доимий такомиллаштириб бориш, Банк тизимида коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этининг таъсирчан тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, “Микрокредитбанк” ходимларининг корруп-

ция ҳақидаги тушунчасини шакллантириш ва билиминини ошириш, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатлар, комплаенс-назорат тизими, шу жумладан, коррупцияга қарши курашишда комплаенс-назоратни амалга ошириш тушунчаси ва тартиби, бу

борада Банк томонидан қабул қилинаётган ҳужжатлар ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида ходимларга маълумот бериш мақсадида мунтазам равишда ўқув тадбирлари ташкил қилиб келинмоқда.

Жорий йилнинг 1-18 декабрь кунлари эса Комплаенс-назорат хизмати ва Ўқув

маркази томонидан Банк филиалларининг юридик хизмат ва кредит бўлими ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги банк сиёсати йўналишлари, коррупцияга қарши комплаенс-назорат механизмлари, бу борада амалга оширилаётган ишлар ва Банк олдида турган вазифалар масалалари бўйича 300М иловаси орқали онлайн ўқув-семинарлари ўтказилди.

Бу борадаги ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида “Микрокредитбанк” АТБда яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича 2020-2021-йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” қабул қилиниб, ҳозирги кунда Банк тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимини яратиш, Банк ходимларида коррупцияга нисбатан мурасиз муносабатни шакллантириш мақсадида қатор банк ички меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.



РЕСПУБЛИКАМИЗДА 11 ОЙДА 41 140,8 МЛРД. СЎМЛИК МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИЛГАН

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, жорий йилнинг январь-ноябрь ойлари давомида республикада 198 385,2 млрд. сўмлик бозор хизматлари кўрсатилган. Бозор хизматларининг номинал ҳажми 20 762,0 млрд. сўмга ошган. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 102,2% ни ташкил этган.



Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми:

- алоқа ва ахборотлаштириш – 11 663,1 млрд;
- молиявий – 41 140,8 млрд;
- транспорт – 48 518,1 млрд;
- шу жумладан: автотранспорт – 26 500,6 млрд;
- яшаш ва оёқталаниш – 5 347,7 млрд;
- савдо – 51 611,7 млрд;
- кўчмас мулк билан боғлиқ – 5 487,4 млрд;
- таълим соҳаси – 8 569,6 млрд;
- соғлиқни сақлаш соҳаси – 2 905,0 млрд;
- ижара – 3 793,4 млрд;
- компьютер ва маший товарларни таъмирлаш – 3 099,9 млрд;
- шахсий – 4 525,3 млрд;
- меъморчилик, изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳаси – 4 348,7 млрд;
- бошқалар – 7 374,5 млрд сўмлик бозор хизматлари кўрсатилган.

КРЕДИТ УЧУН ҲУЖЖАТЛАРНИ КОМПЬЮТЕР ТЎПЛАЙДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Дарвоже, “андеррайтер” деганимиз – Бош банкда компьютер дастурлари хулосалари асосида якуний қарор чиқарувчи масъул ходим. Барибир, инсон омили ҳал қилувчи экан-ку, тизимда коррупция бўлаверди-да, десаңгиз, янглишасиз.

Чунки андеррайтерлар “QR code” орқали ишлайди. Уларнинг

шахси филиал ходими учун номаълум қолади. Бу эса Бош банк андеррайтери ва филиал ходимининг ўзаро келишувига ҳамда тил бириктиришига имкон бермайди.

Конвейер тизимининг бошқа афзалликлари ҳам бор. Мисол учун, миқозни овера қилмасдан ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотни онлайн шакллантириш имконияти яратилди. Қолавер-

са, “скоринг” таҳлили натижасида сохта ойлик иш ҳақлари орқали кредит ажратилишига барҳам берилди.

Яна бир факт: авваллари филиал ходими кунига ўртача 5 та миқозга хизмат кўрсатган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 15-20 тани ташкил этмоқда. Шунингдек, кредит конвейери орқали кредит буюртмаси бир босқичда, бор-йўғи 2-3 дақиқада кўриб чиқилаётди. Аввалгидек, даста-даста ҳужжатларни қўлтиқлаб, ҳафта-лаб, ойлаб сарсон бўлишингизга ҳоҳат йўқ.

Илк карта MasterCard Virtual бўлиб, уни банкнинг Миллий мобил иловасида очиш жуда осон. Уни очиш бепул. Ундаги қолдиқ эса 5 АҚШ долларидан кам бўлмаслиги лозим. Янги MasterCard Virtual билан интернет тизими орқали харидларни қилиш мумкин. Бунинг учун тўлов комиссияси ундирилмайди.

“ЎЗМИЛЛИЙБАНК”ДАН MASTERCARD INTERNATIONAL ХАЛҚАРО ТЎЛОВ КАРТАЛАРИ

Маълумки, 2016 йилдан бошлаб “Ўзмиллийбанк” АЖ MasterCard International халқаро тўлов тизимининг принципаал аъзоси ҳисобланади.

2019 йилнинг март ойидан бошлаб банк томонидан онлайн дўконларга товар ва хизматлар учун тўловларни MasterCard карталари орқали қабул қилиш имконини берувчи электрон тижорат лойиҳаси ишга туширилди.

2020 йилнинг декабрь ойида биринчи виртуал MasterCard картаси муомалага чиқарилди. Тез орада “Ўзмиллийбанк” АЖ MasterCard карталарининг маҳсулот линейкаси Mastercard Standard, Gold Mastercard, Platinum Mastercard ва World Elite Mastercard билан тўлдирилади.

MasterCard дебет карталари Ўзбекистонда энг машҳур, ишончли ва кенг тарқалган карта маҳсулотларидан бири ҳисобланади. MasterCard кар-



талари ўз эгаларига кенг имкониятлар ва ноёб афзалликларни тақдим этади. Алоқасиз тўлов технологияси билан харидларни амалга ошириш – жуда қулай, MasterCard билан онлайн-шопинг эса ундан-да хафсизроқ.

(Бошланиши 1-саҳифада)

Вилоятда айни вақтда "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Қашқадарё минтақавий филиали, Кўкдала ва Яқкабоғ филиаллари миқозларга қатор банк хизматларини кўрсатишда. Пресс-тур доирасида журналистларга вилоятдаги банк тузилмалари эришаётган иқтисодий кўрсаткичлар ҳақида маълумот берилди. Хусусан, журналистлар хизмат кўрсатишга жорий қилинаётган замонавий қўлайликлар, янги таклиф этилаётган хизмат турлари ва миқозлар учун яратилган шароитлар билан атрафлича танишишди. Кўрилаётган чоралар натижасида хизматлар кўлами кенгайиб, банк миқозлари сони муттасил ошиб бораётгани қайд этилди.

Иштирокчилар Қашқадарё вилоятида банк молиявий кўмагида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар билан танишдилар.

Дастлабки манзил Яқкабоғ туманида фаолият юритаётган "Делта ФБС технологик груп" МЧЖ бўлди. Банкнинг мазкур миқоз ПВХдан дераза тоқчалари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 2,3 млн АҚШ доллари бўлиб, шундан 200 минг АҚШ доллари "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан йўналтирилган. Банк сармояси ҳисобига сифатли қурилиш моллари ишлаб чиқарилиб, миқозларга тақдим этиб келинмоқда. Ташкил қилинган корхонада йилига 1 600 поганеметр маҳсулот ишлаб чиқарилаётган. Лойиҳа доирасида 15 та доимий иш ўрни яратилган.

19 хил рационда боқамиз. Бир кунда 230 мингга яқин тухум оламиз. Гўшт, тухум билан аҳолини таъминлаймиз. Бундан ташқари иссиқхона шароити билан лимонарий ташкил қилганмиз. 4 гектар майдонга лимон экканмиз. Яна фитнес клуб ҳам ташкил қилганмиз. Биз "Қишлоқ қурилиш банк"ка эски миқозмиз. Узаро ишончларимиз синовдан ўтган.


Яқкабоғдан сўнг журналистлар Қарши шаҳрига йўл олишди. Пресс-тур дастурига кўра, ОАВ вакиллари Қарши шаҳрида амалга оширилаётган бир қатор лойиҳалар билан ҳам таништирилди. Жумладан, журналистлар Карликхона МФЙда жойлашган "Биолаб дерма плюс" хусусий тиббиёт клиникаси фаолияти билан танишдилар.

– Бу муассасани ҳамкасбим ва тушмуш ўртоғим Илҳом Бозоров билан ташкил қилганмиз, – дейди Дилдора Очилова. – Иш бошлаганимизга бир ярим йил бўлди. Ҳозирда 8 нафар ишчи бор. Бу оилавий тиббиёт муассасаси олдида пациентларнинг кўпчилиги сабаб янги ультратовушли замонавий тиббиёт жиҳозларимиз бор. Булар учун лойиҳа қиймати 200,0 млн. сўм бўлиб, йилига аҳолига 730,0 млн. сўмлик тиббий хизматлар кўрсатиш кўзда тутилган.

Шундан сўнг, журналистлар АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Қашқадарё минтақавий филиали миқоз "Суннат бобо" фермер хўжалигининг сутни қайта ишлаш лойиҳаси билан танишдилар. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 250,4 минг АҚШ доллари бўлиб, сутни қайта ишлаш ускуналари олиб келиш учун банкдан 170,4 минг АҚШ доллари миқдоридан

ҚАШҚАДАРЁ МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ ЯНГИ БИНОДА


Акциядорлик-тижорат "Қишлоқ қурилиш банк" миқозларга қўлайлик яратиш, аҳолини замонавий банк хизматлари билан таъминлаш мақсадида ўз инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштириб бормоқда.



Республика ҳудудларида банк инфратузилмалари тармоғи кенгаймоқда ва банк филиаллари замонавий банк технологиялари билан жиҳозланмоқда.

Яқинда банкнинг Қашқадарё минтақавий филиали янги маъмурий бинода иш бошлади. Шу муносабат билан тадбир ташкил этилди. Унда сўзга чиққан АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Бошқаруви раиси ўринбосари Бобохон Бобожонов, Қашқадарё вилоят ҳқими биринчи ўринбосари Ўткир Бўтаев ва бошқалар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон банк тизимида амалга оширилаётган изчил ислохот ва янгилашлар "Банк - миқоз учун" тамойили асосида банклар фаолиятини янги босқичга олиб чиқатганини эътироф этишди.


"Қишлоқ қурилиш банк" Қашқадарё минтақавий филиали учун фойдаланишга топширилган янги бинода яратилган қўлайликлар ҳисобига эндиликда банк миқозлари бухгалтерия ҳисоб-китоблари, валюта айрибошлаш, пул ўтказмалари ҳамда турли тўловлар билан боғлиқ зарур хизматлардан шу ернинг ўзидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишади. Электрон навбат тизимининг мавжудлиги эса банк ходимлари ва миқозлар учун қўшимча қўлайлик яратади. Филиалнинг замонавий банк технологиялари билан жиҳозлангани эса, сифатли хизмат кўрсатиш имкониятини оширади.



Бугунги кунда Қашқадарё минтақавий филиалида 5200 дан ортиқоридик шахсларга хизмат кўрсатилмоқда. Филиал орқали 72000дан ортиқ фуқаролар банк карталаридан фойдаланиб келмоқда. Шунингдек, вилоятда "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Кўкдала ва Яқкабоғ филиаллари ҳам миқозларга хизмат кўрсатмоқда.

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" келгусида ҳам ўз инфратузилмалари фаолиятини такомиллаштириш орқали миқозлар ишончини қозонишга, тадбиркорлар фаолиятини рағбатлантиришга ва аҳоли даромадларини оширишга интилади.

"ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК" АҲОЛИ ХИЗМАТИДА



Шундан сўнг журналистлар АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Яқкабоғ филиалининг яна бир миқоз – "Чиройли мебел" МЧЖ нинг мебел ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишдилар.

– Йигирма хилдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқараямиз, – дейди МЧЖ раҳбари Аспиддин Эргашев. – Сақиз нафар ишчи ишляпти. Ҳозирча ички бозор учун маҳсулот чиқараямиз. Келажақда хорижга ҳам ўз брендимиз билан маҳсулот экспорт қилиш ниятимиз бор.

Туманинг Жамбул МФЙ ҳудудида жойлашган корхонада замонавий мебеллар тайёрлаш йўлга қўйилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 1,5 млрд сўм бўлиб, шундан 700 млн. сўми банк кредити ҳисобига молиялаштирилган. Бу ерда йилига 6 000 м² тайёр мебел маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Маҳаллий ёшлар учун фаолиятни кенгайтириш билан ҳамроҳанг равишда иш ўринлари сонини янада ошириб бориш кўзда тутилган. Банк томонидан бундай ташаббуслар мунтазам кўлаб-қувватланиб келинмоқда. Қишлоқ ҳудудида жойлашган мўжазгина корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнлари ва тайёр маҳсулотлар пресс-тур иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, тумандаги "Кумуш куз Файз" ҳамда "Яқкабоғ парранда" МЧЖлар ҳам ўз маҳсулотлари билан аҳоли эҳтиёжини қондириб келмоқда.

– 2019 йил иш бошладик, 200 ўрин иш ўрни яратганмиз, – дейди шу икки МЧЖ раҳбари Ойбек Камолов. – 300 минг бош товугимиз бор. Паррандаларни

кредит ажратилган. Корхона тўлиқ қувватда йилига 576,0 тонна сутни қайта ишлаш имкониятига эга. Мағзон МФЙда жойлашган ушбу корхонада 8 нафар йигит-қизлар доимий иш билан таъминланган.

Пресс-турнинг энг қизгин наққаси шу бўлдики, иштирокчилар АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Қашқадарё минтақавий филиали янги биносининг очилиш маросимида ҳам қатнашдилар. Филиал замонавий банк технологиялари билан жиҳозланган. 24/7 режимида ишлайдиган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳам қурилган. Журналистлар филиалда миқозлар учун яратилган қўлайликлар билан танишдилар ва миқозлар билан суҳбатлашдилар.

– Мен бу ерга фарзандимга боғча пулини тўлашга келдим дейди, – банк миқозларидан бири – Шерзод Саматов. – Бу банкнинг хизмат кўрсатиши яхши бўлгани учун барча пуллик операцияларни шу ерда бажараман. Мен ушбу банкдан беш йил имтиёзлик давр асосида ипотека кредити олганман. Қарши муҳандислик иқтисодий институтида ўқитувчи бўлиб ишлайман.


Хулоса қилиб айтганда, журналистлар "Қишлоқ қурилиш банк"нинг ушбу минтақавий филиали аҳоли орасида катта ишонч қозонганига гувоҳ бўлишди. Дарвоқе, банк томонидан бундай пресс-турларни республиканинг бошқа ҳудудларига ҳам ташкил этиш режалаштирилмоқда. Албатта бу тадбирлар билан таништириб боришга ҳаракат қиламиз.

Шукр ЖАББОР

Finance.uz

МАРКАЗИЙ БАНК ФИРИБГАРЛИК ҲОЛАТЛАРИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИШГА ЧАҚИРАДИ

Ахборот технологи-
ялари кенг қўлланила-
ётган ҳамда молиявий
хизматлар истеъмолчи-
лари билан ўзаро муно-
сабатларда масофавий
хизмат кўрсатиш канал-
лари кенгайиб бораёт-
ган ҳозирги шароитда
ишонувчан ҳамда моли-
явий саводхонлик дара-
жаси етарли бўлмаган
фуқароларга нисбатан
фирибгарлик ҳаракат-
лари кузатилмоқда.



Бу каби фибрибгарлик ҳо-
латлари банк картаси эгаси-
нинг хабарсиз унинг карта
ҳисобварағидан пул маблағи-
ни ечиб олиш, пароль ва
ПИН-кодларни ўғирлаш ва
бошқа ноқонуний фаолият
турлари билан боғлиқ.

Ўзбекистон Респуб-
ликаси Марказий банки Банк
хизматлари истеъмолчилари-
нинг ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш хизмати фибрибгар-
ликнинг куйидаги белгилар-
идан огоҳ бўлишга чақи-
ради:

1. Ишонтириш мақсадида
ўзини банк, ҳуқуқни муҳофа-
за қилувчи орган ёки бирон
савдо ташкилотининг ходи-
ми сифатида таништирув-
чи бегона шахслардан кўн-
ғироқ бўлиши, СМС-хабарнома
ёки ижтимоий тармоқлар
орқали турли хабарларнинг
келиб тушиши;

2. Турли совғалар ёлибида
айланиш, сизнинг фойдан-
гизга ҳар қандай маблағлар-
ни ўтказиб бериш ёки товар
ва хизматларни жозибдор
шартларда сотиб олиш
каби гўёки жуда фойдали ва
кутилмаган имкониятлар-
нинг таклиф этилиши;

3. Ютуқларни кейинчалик
банк картасига ўтказиб бе-
риш шарти билан турли хил
сўровлар ва лотереяларда
иштирок этиш таклиф
қилиниши;

4. Ютуқларни қабул
қилиш ёки товар ва хизмат-
лар учун тўловларни амалга
ошириш мақсадида турли
мобил иловаларни ўрна-
тиш ёки ҳаволалар орқали
банк картангиз ёхуд шахсий
маълумотларингизни кирит-
тиш тўғрисида таклифлар
берилиши;

5. Ҳисобварағингиздаги
пул маблағлари йўқолиши

мумкинлиги ҳақида қўрқи-
тиш ва тезкор қарор қабул
қилишга мажбурловчи руҳий
босим ўтказиш ҳолатлари;
6. Ҳисобингизга хатолик
билан пул маблағи ўтказиб
юборилганлиги ва ушбу ма-
блағларни қайтаришни сўраб
кўнғироқ қилиш ҳолатлари.

“Телефон фибриб-
гарлари” ўйлаш учун
вақт қолдирмай,
турли гаплар би-
лан чалғитиб, карта
маълумотларингизни
айёрлик билан қўлга
киритади ёки ёлгон-
ларига ишонтириб,
пул маблағларини
уларга ўз хоҳишингиз
билан ўтказиб бериш-
га ундайди.

Шу сабабли, Ўзбекистон
Республикаси Марказий
банки Банк хизматлари исте-
ъмолчилари ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш хизмати фибриб-
гарларнинг турли баҳоналар
билан банк картангиз маъл-
умотларини (карта рақами,
ПИН-код, шунингдек, СМС-
код ва бошқа шахсий маълум-
отлар) билиб олишга урини-
шларига жавоб бермасликка
чақиради.

Шунингдек, банк ходимлари
кўнғироқ қилиш, СМС-хабарно-
ма ёки ижтимоий тармоқларда
хабар юбориш орқали банк
картаси эгасидан унинг картаси-
га тегишли ва бошқа шахсий
маълумотларни сўрамаслиги-
ни маълум қиламиз.

Фибрибгарлар “тузоғи”га
тушиб қолишнинг олдини
олиш ва маблағларингиз
хавфсизлигини таъмин-
лаш мақсадида Ўзбекистон
Республикаси Марказий
банки Банк хизматлари исте-
ъмолчилари ҳуқуқларини

ҳимоя қилиш хизмати куйи-
дагиларни тавсия қилади:

Ўзини банк, ҳуқуқни
муҳофаза қилиш идораси
ёки бирон савдо ташкилоти
ходими деб таништирган
нотаниш фуқаролардан
кўнғироқ бўлганда, уларнинг
сўзларига ёки кўрсатмала-
рига амал қилишга шошил-
манг ва шахсий маълумот-
ларингизни ошкор қилманг.
Яхшиси, суҳбатни тугатиш
ва кўнғироқ қилувчилар айт-
ган ташкилот билан қайта
боғланиб, улар томонидан
сизга берилган маълумот-
ларнинг тўғри ёки нотўғри
эканлиги аниқлик киритинг.

Ҳар қандай шароитда
ҳам банк картангиз тўғри-
сидаги маълумотларни
(карта рақами, ПИН-код,
банк картасининг олди қисми
расмлари) ҳамда ўз шахсий
маълумотларингизни бегона
фуқароларга ошкор қилманг
ва юборманг;

Ўзингизга тегишли
бўлган банк картаси маълум-
отларини ижтимоий тар-
моқларда эълон қилманг;
Махфий маълумотларни
киритишингиз, рўйхатдан
ўтишингиз керак бўлган
сайтларда HTTPS:// префик-
си мавжудлигини текширинг;

Агар ташкилотлар-
нинг сайти ёки саҳифаси
ҳақиқийлигига шубҳа қил-
сангиз, ушбу ташкилот
билан боғланиш ва маълум-
отларга аниқлик киритинг;

Имзоланадиган барча
ҳужжатларни диққат билан
ўқинг, кўрсатилган маълум-
отларнинг тўғрилигини
қайта текширинг;

Ушбу оддий тавсияларни
ёши улуг қариндошларингиз
ва ўсимларга тушунтириб
боринг.

Марказий Банк
Матбуот хизмати

Кўпчилигимиз ўз ҳисобрақамимиздаги пулларни
нақдлаштиришни, пулларни қариндош ва танишлари-
мизга ўтказиб юборишни ва онлайн тўловлар қилишни
одатий ҳол деб ҳисоблаймиз. Бундай амалиётларга
кўникиб ҳам қолдик. Глобал пандемия шароитида
одатий турмушимизда рақамли алоқа қанчалик муҳим
ўринда туришини янада чуқурроқ англаб етдик. Би-
роқ банк фаолияти кибер ҳужум туфайли тўхтатиб
турилса, нима бўлади, ўтказмаларимиз қандай амалга
оширилади?

КИБЕР ТАВАККАЛЧИЛИК МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ЯНГИЧА ТАҲДИДИ

Рақамли молиявий хизматлар ривожлангани сари ки-
берҳужумлар сони ҳам уч қарра ортди. Ҳатто киберхавф-
сизлик муаммолари молиявий барқарорликнинг таҳдидига
айланди.

Молиявий ва технологик алоқалар яқинлашиб бораётган
вақтда йирик молиявий ташкилотга нисбатан амалга оши-
рилган ҳужум ушбу хизмат ва тизимдан фойдаланаётган-
ларнинг ишончига путур етказиши мумкин. Пул ўтказма-
лари ўз вақтида амалга оширилмаганидан операциялар
яқинида етмасдан қолиши мумкин. Уй хўжаликлари ва ком-
паниялар депозитлар ва тўловлардан фойдаланиш ҳуқуқи-
дан маҳрум бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда инвесторлар
ва омонатчилар ўз маблағларини қайтариб олиш истагини
билдириши ёки ҳисобрақамини ёпиши ва улар фойдалана-
ётган хизмат ва маҳсулотлардан воз кечиши мумкин.

Бугунги кунда хакинг воситалари арзонроқ, соддароқ ва
кучлироқ бўлган. Улар ёрдамида тажрибали хакерлар кам
ҳаражат қилиш орқали катта миқдордаги зарар келтири-
шлари мумкин. Мобиль алоқа воситаси орқали кўрсатила-
диган хизматларнинг кенг тарқалиши хакерларга кўпроқ им-
коният туғдиради. Фибрибгарлар йирик ва кичик корхоналар,
бой ва камбағал давлатларга ҳужум уюштириши мумкин.
Бундай найранглр чегара ва миллатни танламайди. Шу
боис кибержиноятчиликка қарши курашиш ва унинг тавак-
калчилигини камайтириш халқаро даражада ҳам, мамлакат
ичида ҳам умумий вазифага айланмоғи лозим.

Гарчи таваккалчиликни бошқариш асослари
бўйича кундалик равишда ишлар (тармоқларни
кувеватлаш, дастурий таъминотни янгилаш ва
ишончли “кибергигиена”ни таъминлаш) амал-
га оширилсада, аксарият молиявий ташкилот-
лар умумий вазифаларни амалга ошириши, ик-
киламчи самараларни ва молиявий тизимдаги
ўзаро алоқани инobatга олиши керак бўлади.
Алоҳида компанияларга ҳимоя воситалари
учун сармоа киритишининг ўзи етарли эмас.
Киритилган инвестициянинг етишмаслиги ва
умуман молиявий тизимнинг ҳужум оқибат-
ларидан зарар кўришини олдини олиш учун бу
соҳани мувофиқлаштириш ва баъзан давлат
аралашуви ҳам талаб этилади.



Аммо кўплаб мутахассислар фикрига кўра, аксарият мил-
лий молиявий тизимлар ҳозирча ҳужумларга қарши туриш-
га тайёр эмас. Сабаби халқаро координация ҳозирча суст
даражада ишляпти. ХВФ персоналнинг янги тадқиқотида
киберхавфсизликни мустаҳкамлаш ва дунё бўйича моли-
явий барқарорликни сезиларли даражада ошириш имконини
берувчи олти асосий стратегия таклиф этилади.

Келгуси сонларимизда ана шу стратегик вазифалар
ҳақида батафсил маълумот берамиз.

С. СОДИҚОВА
(Давоми кейинги сонда)

ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР НОВАБРЬ ОЙИДА ҚАНДАЙ БЎЛДИ?

Марказий банк томонидан реал сектор корхоналари ўртасида ўтказилган сўровномага асосан 2020 йил ноябрь ойи учун "Иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари" ишлаб чиқилди.

СЎРОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТАРКИБИ ВА ГЕОГРАФИЯСИ

Мазкур сўров Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (OECD) реал сектор корхоналари билан сўровлар ўтказиш бўйича методологик тавсияларига асосан иқтисодиётнинг sanoat, хизмат кўрсатиш, қурилиш ишлари ҳамда савдо соҳаси корхоналари билан ўтказилди. 2020 йилнинг ноябрь ойи учун ўтказилган сўровда республиканинг барча ҳудудларидан 714 та корхона ва ташкилотлар иштирок этган бўлиб, уларнинг 365 таси (51,1 фоизи) sanoat соҳасида, 179 таси (25,1 фоизи) хизматлар соҳасида, 86 таси (12 фоизи) савдо соҳасида ҳамда 84 таси (11,8 фоизи) қурилиш ишлари соҳасида фаолият юритади.

Шунингдек, тармоқлар кесимида ишбилармонлик кайфияти индекси қурилиш соҳасида ошган бўлса, sanoat, хизматлар ва савдо соҳаларида бирмунча пасайган.

Бунда, ноябрь ойида ишбилармонлик кайфияти индекси октябрь ойига нисбатан қурилиш соҳасида 3,1 бирликка ошган бўлса, sanoat соҳасида 1,8 бирликка, хизматлар соҳасида 2,1 бирликка, савдо соҳасида 1,7 бирликка пасайган.

САНОАТ СОҲАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТ ВА КУТИЛМАЛАР

Жорий йилнинг ноябрь ойида (50,5) sanoat соҳасида иқтисодий фаоллик индекси октябрь ойига (50,2) нисбатан деярли ўзгаришсиз қолди.

Бунда, мазкур индекс таркибидagi ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда иш ўринлари сонининг ўзгариши

камайган) бўлиб, индекс таркибидagi ишлаб чиқариш, иш ўринлари сони ва маҳсулотларга буюртмалар ҳолати бўйича қутилмалар мос равишда 3,4, 2,3 ва 0,6 бирликка камайган.

Шунингдек, ноябрь ойи яқунлари бўйича ўтказилган сўров натижалари соҳадagi корхоналарнинг молиявий ҳолати ҳамда айланма маблағлар билан таъминланганлик даражаси ҳам яхшиланганлигини кўрсатди. Хусусан, ноябрь ойида корхоналарнинг молиявий ҳолати ҳамда айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати индексларининг мос равишда 0,3 ва 1,6 бирликка ошганлиги кузатилди.

ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ СОҲАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТ ВА КУТИЛ- МАЛАР

Ноябрь ойида қурилиш ишлари соҳасидаги иқтисодий фаоллик индекси деярли октябрь ойи (50,2) даражасида сақланиб қолган бўлиб, 50,4 ни ташкил қилди.

Бунда, иш ўринлари сони индекси 48,8 дан 52,4 гача ошган бўлса, бажарилган қурилиш ишлари ҳажми индекси 53,5 дан 51,8 гача ва буюртмалар индекси 48,3 дан 47 гача камайган. Мазкур ҳолат, ноябрь ойида қурилиш ишлари ҳажмининг мавсумий секинлашиши билан изоҳланиши мумкин.

Шу билан бирга, тармоқда ишбилармонлик кайфияти индексининг ноябрь ойида октябрь ойидаги 52,3 дан 55,4 гача ошиши кузатилди. Бунда, қурилиш корхоналарининг келгуси 3 ойда янги иш ўринларини яратиш билан боғлиқ қутилмалари 5,4 бирликка ҳамда қурилиш ишлари ҳажми ўзгариши бўйича қутилмалари 4,9 бирликка ошган.

Шунингдек, жорий йилнинг ноябрь ойида қурилиш корхоналарининг молиявий ҳолати индекси 3,3 бирликка яхшиланган бўлса, айланма маблағлар билан таъминланганлик ҳолати индекси 3,3 бирликка пасайганлиги кузатилди.

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТ ВА КУТИЛМАЛАР

Хизматлар соҳасида август ойидаги карантин чекловларининг юмшатилиши натижасида тармоқда иқтисодий фаолликнинг жадал тикланиши кузатилган бўлса, ноябрь ойига келиб иқтисодий фаолликнинг ошиши бирмунча секинлашди. Мазкур ҳолат

август ойидаги карантин чекловларининг юмшатилиши натижасида тармоқда иқтисодий фаолликнинг жадал тикланиши ва ноябрь ойига келиб ўзининг барқарор ҳолатига қайтиши билан изоҳланиши мумкин. Хусусан, ноябрь ойида хизматлар соҳасида иқтисодий фаоллик индексининг октябрь ойига (58,2) нисбатан 6,8 бирликка пасайиб, 51,4 ни ташкил қилди. Бунда, хизматлар соҳасидаги иқтисодий фаоллик индексининг барча компонентларида, хусусан, хизмат кўрсатиш ҳажми (9,2 бирликка), иш ўринлари сони (2,2 бирликка) ва хизматларга талаб (8,9 бирликка) индексларида пасайиш кузатилди.

Мазкур пасайиш асосан иқтисодий фаоллик индексининг транспорт хизматлари ва тиббий хизматлар соҳаларида 8,1 бирликка пасайиши билан изоҳланади.

Шу билан бирга, ноябрь ойида хизматлар соҳасида ишбилармонлик кайфияти индекси октябрь ойидаги 64,6 дан 62,5 гача пасайган бўлиб, индекс таркибидagi хизмат кўрсатиш ҳажми индекси 1,6 бирликка, иш ўринлари сони индекси 2,7 бирликка ва хизматларга талаб индекси 1,8 бирликка пасайганлиги кузатилди.

Мазкур ҳолат асосан меҳмонхона хизматлари тармоғида ишбилармонлик кайфияти индексининг 23,3 бирликка пасайиши билан изоҳланади.

Шунингдек, ноябрь ойида респондентларнинг молиявий ҳолати индекси 6,4 бирликка, айланма маблағлар таъминланганлик ҳолати индекси 5 бирликка ёмонлашганлиги кузатилди.

САВДО СОҲАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТ ВА КУТИЛМАЛАР

Жорий йилнинг ноябрь ойида савдо соҳасида иқтисодий фаоллик индексининг 52,3 дан 52,9 гача ёки 0,6 бирликка ошиши кузатилди.

Бунда, маҳсулотлар сотув ҳажми индекси 0,4 бирликка пасайган бўлса, иш ўринлари сони индекси 1,8 бирликка яхшиланиб, 51,2 ни ташкил этди. Шу билан бирга, савдо соҳасида ноябрь ойида ишбилармонлик кайфияти индекси ижобий шаклланган бўлсада, мазкур кўрсаткич октябрь ойидаги 58,7 дан 57 гача пасайди.

Бунда, савдо корхоналарининг маҳсулотлар сотув ҳажми бўйича келгуси 3 ойдаги қутилмаларининг 1,3 бирликка пасайганлиги кузатилган бўлса, иш ўринлари сони ўзгариши бўйича қутилмалар 1,2 бирликка яхшиланган.



ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИК ВА ИШБИЛАРМОНЛИК КАЙФИЯТИ ИНДЕКСЛАРИ

Сўров натижалари иқтисодий фаоллик ва ишбилармонлик кайфияти индексларининг 2020 йилнинг сентябрь ва октябрь ойларида кузатилган барқарорлаштишдан сўнг, ноябрь ойида бирмунча пасайганлигини кўрсатди.

Хусусан, ноябрь ойида иқтисодий фаоллик индекси (ИФИ) 51 ни ташкил этиб, октябрь ойига (53,2) нисбатан 2,2 бирликка, ишбилармонлик кайфияти индекси (ИКИ) 57,4 ни ташкил этиб, (октябрь ойида 58,8) 1,4 бирликка пасайган. Иқтисодий фаоллик индексининг пасайиши, тармоқлар кесимида қаралганда, хизматлар соҳасида иқтисодий фаоллик индексининг октябрь ойидаги 58,2 дан ноябрь ойида 51,4 гача ёки 6,8 бирликка пасайиши билан изоҳланади. Шу билан бирга, ноябрь ойи учун ўтказилган сўров натижалари sanoat, қурилиш ва савдо соҳаларида иқтисодий фаоллик деярли октябрь ойи даражасида сақланиб қолганлигини кўрсатмоқда. Бунда, иқтисодий фаоллик индекси sanoat соҳасида 0,3 бирликка, қурилиш соҳасида 0,2 бирликка ва савдо соҳасида 0,6 бирликка ошган.

бўйича ҳисобланган индекслар октябрь ойига нисбатан мос равишда 1,6 ва 0,5 бирликка ошган бўлса, маҳсулотларга буюртмалар ҳамда хом ашё захиралари индекслари 0,6 ва 0,3 бирликка камайган. Sanoat тармоқлари кесимида, иқтисодий фаоллик индекси озқовқат, текстиль, ёғоч, мебель, қоғоз ишлаб чиқариш sanoatларида ошган бўлса, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кимё ва sanoatнинг бошқа соҳаларида пасайган. Бунда, озқ-овқат ва мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши карантин чекловларининг юмшатилиши натижасида ушбу тармоқлар маҳсулотларига талабнинг тикланиб бораётганлиги билан боғлиқ бўлса, текстиль sanoatида ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши пахта хом ашёсининг мавсумий ошиши билан изоҳланиши мумкин. Шу билан бирга, ноябрь ойида ишлаб чиқариш ҳажми камайганлигини қайд этган респондентларнинг 38 фоизи пандемиядан олдинги даврга нисбатан талабнинг пастлигини, 25 фоизи электр энергияси, 22 фоизи газ ва хом ашё таъминоти билан боғлиқ муммолар мавжудлигини маълум қилган.

Шунингдек, соҳада ишбилармонлик кайфияти индекси бирмунча пасайган (октябрь ойига нисбатан 1,8 бирликка



ГЛОБАЛ МОЛИЯ МУЗЛИКЛАРИ: МАРКАЗИЙ БАНКЛАР ЗАХИРАЛАРИНИНГ ВАЛЮТАВИЙ ТУЗИЛМАСИ

Жаҳон Марказий банкларда валюта захираларини ўзида жамлайдиган валюталар мажмуаси умуман олганда ўн йиллаб ўзгаришсиз қолмоқда. Ушбу тармоқдаги ўзгаришлар динамикасини музликларнинг ҳаракатига ўхшатса бўлади. Бироқ геосиёсий ва технологик ўзгаришлар жаҳон иқтисодиётининг хулқ-атворини ва халқаро даражада валюталардан фойдаланиш хусусиятини ўзгартириб юборади. Бу кучлар ҳамда COVID-19 пандемияси оқибатлари марказий банклар захираларида трансформация жараёнларини янада тезлаштириб юбориши мумкин.

АЛОҲИДА МАҚОМ

Бугунги кунда тахминан 180 та миллий валюта мажжуд. Бироқ уларнинг кам сонлигига халқаро амалиётлардан кенг қўлланилади. Масалан, ҳисобрақамларни чиқариш, импорт учун тўлов қилиш ҳамда қарз воситаларини ёки хорижий инвестицияларни чиқариш шулар жумласидандир. Ушбу валюталар сирасига АҚШ доллари, евро, айрим ҳолларда Япония иенаси, Британия фунт стерлинги ва бошқалар кирди. Инқироз юзага келган тақдирда компания ва инвесторлар, одатда, АҚШ долларидан нажот излайди.

Шу валюталарда марказий банклар узоқ вақтлардан буён халқаро захираларини сақлайди. Бунинг ажабланирли жиҳати йўқ, сабаби юқориде айтилганидек, захиралар халқаро амалиётларни қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланади. Сабаби мамлакатлар расмий ташкилотлари ушбу валюталарни тўлов баланси эҳтиёжларини молиялаштиришга, валюта бозоридаги интервенцияларни амалга оширишга ва маҳаллий иқтисодий субъектларни хорижий валюта билан таъминлашга сарфлайди.

ЗАХИРАЛАР ЎЗГАРИШИДАГИ СУСТ ДИНАМИКА

ХВФ персоналининг янги ҳужжатда янги маълумотлар тўпламига илова қилинган ҳолда марказий банкларнинг валюта захираларининг таркиби таҳлил қилинади ва сўнгги ўн йилликда унга таъ-

сир кўрсатадиган омиллар ҳамда ушбу омиллар асосида юзага келган ўзгаришлар аниқланади.

Мухим хулосалардан бири шуки, халқаро валюталар орасида долларнинг етакчи ўринда туриши (айрим даражаларда евронинг ҳам) боис бугунги кунга келиб марказий банклар захираларининг таркибидаги ўзгаришлар минимал даражани ташкил этмоқда.

Масалан, Хитойнинг жаҳон иқтисодиётидаги роли ўсиб бораётган бўлишига қарамай, Хитой юанига глобал операцияларнинг катта бўлмаган улушида ишлатилади. Масалан, ташқи қарзнинг эмиссияси ёки жаҳон валюта бозоридаги савдо операцияларда фойдаланилади.

Хужжатда молиявий алоқалар ҳам валютали захирага таъсир кўрсатувчи муҳим омил эканлигига оид хулоса ҳам келтирилган ва сўнгги ўн йилликда унинг роли ошиб борган. Бу эса, токи доллар жаҳон молия тизими ва савдосига етакчи ўринни эгаллашда давом этар экан, унинг захира валюталардаги устунлиги сақланиб қолишини билдиради.



Бироқ секин қимирлайдиган музликлар сингари баъзан захираларнинг валютали тузилмасида бирданга, кескин ва тезлаштирилган трансформация ҳам кузатилиши мумкин.

ЗАХИРАДАГИ ВАЛЮТАЛАРНИНГ КЕЛАЖАГИ

Тайёрланган ҳужжатда захираларнинг келажақдаги


таркибига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иқтисодий ва молиявий тенденциялар ҳақида ҳам сўз боради. Геосиёсий ва технологик ўзгаришлар иқтисодий ислохотлар сингари муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Умуман олганда COVID-19 пандемиясининг жорий ҳолати трансформациянинг келажагини тезлаштириб юбориши ҳеч гап эмас. Ўзгаришларнинг истиқболли омилларига қуйидагилар кирди:

Халқаро молиялардаги ўзгаришлар: октябрь ойида Европа комиссияси томонидан кенг миқёсда чиқарилган облигацияларга бўлган қизиқиш муқобил қарз воситаларига бўлган талаб истиқболда кучайиши мумкинлигини кўрсатди.

Шаклланаётган бозорга эга ва ривожланаётган мамлакатлар ҳам кредитор мамлакатлар, масалан Хитой валютасида қарз воситали облигацияларни чиқариши мумкин экан. Молиялаштиришга бўлган эҳтиёж ошиб бораётган айни вақтда шундай йўл тутилиши табиий. Бундан хулоса қилинадики, давлат қарзи номинация қилинган валюта бозори шакл-

ланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар захиралари таркибида муҳим ўринга эга бўла олади. Бунда марказий банклар қарз мажбуриятлари билан боғлиқ таваккалчиликни ҳимоя қила олиши долзарб аҳамият касб этади.

Савдо алоқаларининг ва ҳисобрақамларни чиқариш тартиби ўзгариши халқаро валюталарга бўлган талабни ўзгартира олади. Пандемия ва яқиндигина юзага келган сав-



до баҳслари жаҳон таъминот занжирининг қанчалик нозиклигини кўрсатди. Бугунги кунда мамлакатлар ҳар қачонгидан-да муҳим маҳсулотлар етказиб берилиши таъминланишидан манфаатдор. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш халқаро валютага бўлган талабни пасайтиради.

Айни пайтда ҳар бир савдо ҳамкоридан қарамлиқнинг пасайиши валютага бўлган талабнинг диверсификациясига сабаб бўлиши мумкин. Яқиндагина Осиёда тузилган ҳудудий иқтисодий ҳамкорликка оид ҳар томонлама келишув муқобил валютанинг роли ортиб бораётганидан далолатдир. Бугунги кунда муқобил валютанинг халқаро захиралардаги улуши унчалик катта бўлмас-да, келажақда бу кўрсаткич ўзгариши ҳам мумкин.

Қарз мажбуриятларини чиқараётган мамлакатлар сисёсати тамойилларига бўлган ишонч улар валютасига бўлган ишончнинг муҳим омилдир. COVID-19 пандемияси амалдаги ва истиқболдаги эмитентларга соғлиқни сақлаш ва иқтисодиёт соҳаларида ишончли чораларни қўллаш заруратини яққол кўрсатди.

Валютанинг халқаро даражада фойдаланиши стратегик аҳамиятдан келиб чиқиб белгилиши ҳам мумкин. Масалан, захирали валюталар портфелига нисбатан чиқарилган қарорга ташқи сиёсат ва хаёфсизлик соҳасидаги ҳурматига ҳам таъсир кўрсатади. Савдо низолари ва халқаро санкцияларнинг оқибатлари ҳам мамлакатларга ўз валюта захиралари таркибини қайта кўриб чиқишга ундайди. Истиқболли эмитентлар эса бу пайтда ўз валюталарини халқаро валюта сирасига киратишга киришади.


Пандемия молиявий технологиялар ва тўловлар технологияси соҳасидаги ютуқлар қўлга киритилишини тезлаштириб юборди. Хусусий сектор эмитентлари билан эҳтимолий рақобат, хусусан Diem билан юзага келган рақобат йирик марказий банкларни рақамли валютани шакллантириш ва трассегаравий тўловлар тизимини ривожлантириш бўйича ишларини тезлаштиришга хизмат қилди. Европа марказий банки ва Хитой Халқ банки, бошқа банклар қаторида марказий банклар томонидан рақамли валюта ишлаб чиқарилиши имкониятини ўрганмоқда.

Илғор технологик платформалар ҳам янги валюталарга мажжуд валюталардаги устунлиқни бартаараф этиш имкониятини бериши мумкин. Давлат ёки хусусий сектор томонидан чиқарилган рақамли пуллардан фойдаланиш ва жорий этилишидан келиб чиқиб марказий банклар захиралар таркибини ва уларни келажақда сақлаш усулларини қайта кўриб чиқишга мажбур бўлиши мумкин.

Бугунги кунда марказий банклар валютали захира таркибида жиддий ўзгариш кузатилмаяпти. Бироқ сўнгги ўн йилликдаги ўзгаришларнинг суст динамикасига қаралса, бўлажак ўзгаришлар ҳақида бирон нарса дейиш мушкул. Жаҳон иқтисодий ва молиявий тенденцияларга нисбатан, геосиёсий ва технологик ўзгаришлар, шунингдек динамик трансформация имкониятларини кузатиш асосида келажақда нималар бўлишига оид маълумлик бор.

MOODY'S ҚОЗОҒИСТОН БАНКЛАРИДАГИ КРЕДИТ ЙЎҚОТИШЛАРИ ЎСИШИНИ БАШОРАТ ҚИЛМОҚДА

Қозоғистон банкларининг ссуда портфелига нисбатан шакланган захиралари 2020 йилда 3,6 фоизгача ортиши мумкин, деди Moody's агентлигининг катта таҳлилчиси Семён Исаков яқинда ўтказилган матбуот анжуманида.



"Қозоғистон банкларининг кредит йўқотишлари даражаси 2018 йилда 1,6 фоиз ва 2019 йилда 2,1 фоизга тенг эди. Жорий йилда унинг улуши ссудали кредит портфелга нисбатан 3,6 фоизга етиши мумкин", — дея Исаковдан иқтибос келтирди "Интерфакс-Қазақстан" агентлиги.

Активларнинг рентабеллилик кўрсаткичига тўхтанилганида Moody's таҳлилчилари башоратига кўра, 2020 йилда Қозоғистон банкларидagi ўртача активларнинг соф фойда кўрсаткичи 1,7 фоизни ташкил этиши мумкин. 2019 йилда бу кўрсаткич 3 фоизга тенг эди. 2021 йилда 1,9 фоизга етиши мумкин.

"Бу эса, аввало Қозоғистон банк тармоғидagi кредит йўқотишларининг ўсиши билан боғлиқ МХХМ асосида тайёрланадиган йиллик ҳисобот учун банклар захираларни шакллантиришига тўғри келади. 1,7 фоиз — бу умуман олганда ёмон бўлмаган молиявий натижа, бироқ, шубҳасиз 2019 йилга нисбатан паст кўрсаткичдир", — деди Исаков.

У, шунингдек, Қозоғистонда умумий операцион муҳит ҳанузгача мавҳум бўлиб қолаётганини қўшимча қилди. 2021 йил аввалида унинг қандай ривожланишига қараб, банклар йиллик МХХМ ҳисоботларида у еки бу даражадаги захирани акс эттира олади.

РОССИЯДАН ЕВРОПАНИНГ АЙРИМ БАНКЛАРИ ЧИҚИБ КЕТМОҚЧИ

Nordea Bank, активлар ҳажми катталиги бўйича Шимолий Европанинг йирик банкларидан бири Россиядан кетиш ниятида. Кредит ташкилоти сайтида ёзиллишича, "Нордеа Банк" АЖ шўба корхонасини тугатишга оид қарор қабул қилинган.

Nordea ўз фаолиятини асосан Скандинавия ҳудудида юритишга ургу қаратишни режалаштирмоқда. Банк ўз миқозлари олдидagi барча мажбуриятларни амалга ошириш ва ҳисобрақамларини ёпиш учун барча шароитларни тақдим этиш бўйича ваъда берди. Forbes маълумотида кўра, Nordea Россиянинг энг ишончли ўнта банки рўйхатидан ўрин олган.

Аввалроқ маълум бўлганидек, Германиянинг йирик банкларидан бири Deutsche Bank AG раҳбарлари Россиядаги фаолиятини кенгайтиришини билдирган. Бироқ Нью Йорк штатидаги молиявий хизматлар бошқармаси томонидан тайинланган ташқи кузатувчилар банкка Россиядан кетиш бўйича тавсия берган.



Улар, шунингдек Deutsche Bankга россияликларга ҳатто мамлакат ташқарисида ҳам хизмат кўрсатмасликка оид таклифни берган. Аввалроқ "Промсбербанк" ва "Кредитимпэкс" банкнинг собиқ раҳбари Алексей Куликов Deutsche Bankдаги коррупция ҳолатлари ҳақида кўрсатма берганди.

Россиядаги "Автостат" таҳлилий агентлиги мутахассислари мамлакатдаги энг оммалашган хорижда ишлаб чиқарилган 10 та автомобил рўйхатини тузди.



ЭНГ ОММАЛАШГАН ХОРИЖИЙ АВТОМОБИЛЛАР

Таъкидланишича, рўйхат Россияда ноябрь ойида харид қилинган эски хорижий автомобилларни ўрганиш асосида тузилган.

Жами бўлиб Россияда ноябрь ойида 376 минг дона эски автомобиллар сотилган бўлиб, уларнинг 74 фоизи хорижий бренд автомобиллари бўлган.

Биринчи ўринда Американинг Ford Focus автомобили турган бўлиб, россияликлар уни 12,3 минг донасини сотиб олган. Иккинчи погонани Жанубий Кореянинг Hyundai Solaris автомобили 10,9 мингталик харид билан эгаллади. Учинчи ўринда ҳам

Кореянинг Kia Rio брендидаги автомобиль жойлашган бўлиб, бир ойда россияликлар унинг 10,8 минг донасини сотиб олган.


Тўртинчи ва бешинчи ўринда Кореянинг Toyota Corolla ва Chevrolet Niva автомобиллари 9,6 минг ва 7,8 минг дона харидлари билан турибди.

Биринчи бешталикка қуйидагилар кирди:

- Toyota Camry — 7,8 минг дона,
- Renault Logan — 7,5 минг дона,
- Volkswagen Polo — 6,6 минг дона,
- Opel Astra — 5,9 минг дона,
- Skoda Octavia — 5,6 минг дона.

АҚШ ХИТОЙ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ "ЮРАГИ"ГА ЗАРБА БЕРДИ

АҚШнинг Савдо вазирлиги ХХР компанияларига зарба берди. Вазирлик Хитой иқтисодиётининг "юраги"дек ишлайдиган SMIC микросхемасини ишлаб чиқарувчиларни қора рўйхатга киритди.



Вазирлик жами бўлиб тахминан 60 га яқин Хитой компанияларини қора рўйхатга туширди. Вашингтоннинг фикрича, ушбу рўйхатга ХХР Мудофаа кучлари билан алоқа ўрнатган ва инсон ҳуқуқлари бузилишига ҳисса қўшганлиқда шубҳаланаётган компаниялар киритилган. Рўйхатдаги фирмалардан АҚШдаги таъминотчилар уларга маҳсулот сотиши мумкинлиги бўйича вазирликдан рухсат олиш талаб этилади.

Аввалроқ жаҳоннинг энг асосий фонд индекслари таркибидан компания четлаштирилган, SMIC раҳбари қутилмаганда ишдан кетиши ҳақида эълон қилди. Сабаби Америка резидентлари учун технология ишлаб чиқардиган айрим Хитой корхоналари билан муносабат ўрнатиш қонунчилик билан таъқиқланганида бўлди.

SMIC Huawei смартфонни ишлаб чиқарувчилари учун зарур мосламани ишлаб чиқариш бўйича Тайваннинг TSMC компанияси асосий рақобатчиларидан бири эди. Бироқ энди бу компаниянинг ўзи ҳам хорижий давлатдаги компанияларнинг мосламаларига эҳтиёж сезмоқда.

Япониянинг Бош вазири Ёсихидэ Суга мамлакатда коронавирус билан зарарланганлар сони ортиб бораётганлиги боис ички туризмни қўллаб-қувватлашни назарда tutувчи GoToTravel дастурини вақтинча чеклашга мажбур бўлаётгани учун халқдан узр сўради.

ЯПОНИЯ БОШ ВАЗИРИ ИЧКИ ТУРИЗМНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙ ОЛМАЁТГАНИ УЧУН УЗР СЎРАДИ

"Мамлакатда вирус билан зарарланганлар сони биров муддат камайгандек бўлди, бироқ кейин яна ўса бошлади. Аҳоли ўртасида хавотир кучаймоқда, айниқса олдинги фронтда курашаётганлар, тиббий муассасадагиларга нисбатан босим даражаси юқори. Go To Travel дастуридан фойдаланган ҳолда яқинлари олдига Янги йилни нишонлашга бормоқчи бўлганлардан узр сўрайман. (Чеклов) қўллаб компанияларга ноқулайлик келтириб чиқарди. Бироқ биз барчага Янги йилни тинчгина ўз уйида ўтказишни тавсия қиламиз ва бу билан биз касалланганлар сони ортишининг олдини олган бўламиз", — деди вазир Токиода иштираётган маърузасида.

GoToTravel дастурида мамлакат бўйлаб саёҳат қилувчиларга 50 фоизгача, аммо 20 минг иена (194 АҚШ доллари)дан ошмаган қийматда чегирмага эга бўлиш назарда тутилган эди. Июль ойи охиридан буён бу дастурдан 50 миллионга яқин инсонлар фойдаланган эди. У мамлакатдан касалланганлар сони ортгани боис 11 январгача тугатилди. Ҳукумат расмий статистик маълумотларга таянган ҳолда сўнги вақтларгача ҳам дастурни тугатиш ниятида эмас эди. Дастурдан фойдаланганлар орасидан касалланганлар улуши катта эмаслигига оид статистик маълумотлар бор эди. Муҳолифатдагилар ҳукуматни танқид қилар экан, дастурни айнан байрам арафасида чеклаш аксарият тамадди ва меҳмонхона бизнесини юритувчиларга зиён келтиришини маълум қилишган.

(Бошланиши ўтган сонда)

Иқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётни либераллаштириш сиёсати 1980 – йилдан эркин бозор иқтисодиёти системасини яратиш аниқ йўл белгилангандан кейин бошланди. Уша йилнинг ўрталарида халқаро валюта фонди турк иқтисодиётини либераллаштириш сиёсатини қўллаб – қувватлаш ҳақида қарор қабул қилди. ХВФча ислохот пакетини амалга ошириш бошланди: баҳолар қўйиб юборилди, валюта курси қайта кўрилди, протекционизм сиёсатидан қайтилди, иқтисодий ўсишни дефицитли молиялаштириш тўхтатилди, эркин молия бозори яратилди, чет эл капиталига мамлакат эшиклари очиб қўйилди.

Либераллаштиришнинг дастлабки йилларида қўйилган натижага эришилмади, албатта. Давлат бюджетини мувозанатлаштиришга эришилмади. Солиқ тизими аҳоли зиддиятли – солиқ ставкалари баланд, улардан келадиган даромад паст даражада эди. Молия бозорини либераллаштириш қатор жанжал – тўполонлар билан тўхтаб қолди. Шунга қарамаздан чуқурлашаётган бозор ислохотларини ўзининг дастлабки ижобий натижаларини кўрсата бошлади. Саноатда реал иш ҳақининг пасайиши тўхтатилди. Инфляцияни қисқартиришга ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари пасайишини тўхтатиш баробарида эришилди. Турк экспорти учун янги бозорлар қидирилди. Экспорт аъёнвий Европа бозорига қаратилган эди. 80 - йилларнинг бошида Шарқ бозорларини ўзлаштириш бошланди. Янги бозор моделининг ҳаракатланиб кетишига 1982 йилда қабул қилинган Туркия Республикасининг янги Конституцияси катта туртки бўлди. Унда хусусий мулкнинг дахлсизлиги принципи, давлат корхоналарининг фаолияти хусусий тадбиркорликка асосланган бозор моделига зид бўлмаслиги очиқ-ойдин ёзиб қўйилди. Конституциядан "ижтимоий давлат" тушунчаси олиб ташланди, турк ривожланиш модели сифатида "аралаш иқтисодиёт" киритилди.

Ҳокимиятта ҳарбийлар ўрнига қонуний сайланган Тургут Ўзал ҳукумати келиши билан турк иқтисодиётини либераллаштириш сиёсати янги босқичга қадам қўйди: "аралаш иқтисодиёт" ширин чала – ярим сифатида инкор қилиниб, эркин бозор ривожланиши эълон қилинди. Ислохот йўналишини белгилайдиган қонунлар пакети қабул қилинди. Ҳукумат иқтисодий сиёсатининг марказий бўғини турк саноатининг экспорт йўналишини кескин қучайтиришдан иборат бўлди. Бу сиёсат ғарблик экспертларнинг қайд этишича, либераллаштириш ислохотининг муваффақиятида бош ролни ўйнади. Шу муносабат билан бошхона тартиби ва турк лираси курси қайта кўрилди.

Экспортга йўналтирилганлик нафақат мамлакатда валюта олиб келди, шу билан бирга антимонопол сиёсат юритиш воситаси вазифасини ҳам бажарди. Экспортнинг ривожланишига ишлаб чиқариш омилларига нисбатан паст баҳолар даражаси ижобий таъсир кўрсатди. Бу омил деярли барча ривожланаётган мамлакатларда мавжуд. Тўғри, бу афзаллик ичиде Туркияда иқтисодиётни либераллаштиришга ҳам бор эди, лекин турк лирасининг оширилган, меъёрий курси уни йўққа чиқариб келадиган эди.

Экспортга йўналтириш сиёсати мамлакатда муваффақиятли юритилди. 80 - йиллар давомида турк экспорти ролпа – роса беш мартага ошди, унинг таркибий тузилиши яхшиланди: ишлов берувчи саноат ҳиссаси ўсди, хомашё ва ёқилги ҳиссаси икки мартадан зиёд қисқарди. 80 - йилларнинг охирига келиб мамлакатда чет эл инвестициясининг палласи бошланди. Туркия "либераллаштиришга минимал йўқотишлар" орқали эришган мамлакат сифатида ўрганишга пойик мамлакатдир.



ОСИЁ ВА ЕВРОПАНИ БОҒЛАГАН ҚИТЪА

Турк тажрибаси, постсовет мамлакатлари, хусусан Ўзбекистонга бозор иқтисодиёти моделига ўтишга намуна бўлиши мумкинми? Ёки бошқача айтганда бизнинг турк моделини қабул қилишимиз мумкин эдими? Бу саволга қисман ижобий жавоб бериш мумкин, албатта. Мамлакатларимиз тарихий иқтисодий тизимларимиздаги яқинлик, тил, динни ҳисобга оладиган бўлса турк модели жозибали кўринади. Ривожланишдаги ўхшашликни давлат корхоналари тақдир, хусусийлаштириш шакллари ва молия бозорига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Аммо орадаги фарқлар-чи? Улар анчагина ва каттагина. Аввало, шунга қайд қилиш лозимки, Туркия ҳамisha бир Ғарбга, бир Шарққа қараб яшаб келди. Амалда Россия сингаври унисияям, бунисияям айланолмади. Менталитет ва қадриятлар ҳам шунга яраша шаклланди. Айрим олимлар Туркия Европа бозоридеги дунёвий давлат "мўътадил давлат ислом изми" томон бурилиш тенденцияси ҳақида ёзишди. Бўлса бордир. Аммо бошқача бўлиши ҳам қийин. Ишсизлик даражаси юқори.

Ёшларнинг 30 фоизи ҳеч қаврда ишламайди ва ўқимайди. Уларни йўлдан урадиган, ўзига тортадиганлар ҳам кам эмас. Ичкиликбозлик, гнбҳвандлик ва бошқа турли хил аъёнвий ахлоқ меъёрларидан чекинми ҳолатлари, айниқса бекорчи ёшларни кўллаб ўз домига илинтираётгани бор гап. Бунга қарши кураш учун эса кучли ғоя, қудратли мафкура керак. Бугун 20-30 йиллардаги бутун туркларни оёқда тургизган Ота-турк ғояси борми? Шунинг учун ҳам баъзан нажот излаб исломга мурожаат қилишнинг рационал борга ўхшайди. Сир эмас, дин, нариги дунё умиди инсонни турли хил ахлоқсизликдан қайтариб ту-

ради. Акс ҳолда нималар бўлмас эди.

"Араб баҳори" ҳодисаларидан кейин яна бир мунча турк моделига қизиқиши орта кетди. Қолаверса, минтақадаги кўпгина давлатлар ўз ривожланиш йўлини ахтаришда даъво этмоқда. Мана бундай шароитда турк йўли ҳаётбахш муқобиладей туролади. Шу муносабат билан Туркия моделими? деган саволларнинг қўйилиши табиий. Турк ҳукумати кўп йиллар давомида муваффақият-

Тургут Ўзал дунёвий ислохотчиликни ислом аъёнларига содиқлик билан қўшиб олиб борган машҳур давлат арбоби. У табиятан камтар, эътиқод мустаҳкам киши эди. Бир ғарблик журналистнинг "Хоббингиз борми?" деган саволига у "Ҳа бор, менинг хоббим бу – иқтисодиёт" деб жавоб берган эди.

Турк модели мўъжизасининг иккинчи босқичи 2002-2012 йилларга тўғри келади. У даврда мамлакат иқтисодиётида муҳим трансформация юз берди. Бунинг учун ҳукумат оддийгина учта омилга алоҳида эътибор берди: инвестицияларга иссиқхона шароитини яратиш, экспортларга хомийлик қилиш, кичик бизнесга қулай зона ташкил этиш. 2001 йилда инфляция даражаси 80 фоизга яқинлашган, 1 АҚШ долларининг қиймати 700 минг лирага тенг эди. Тасаввур қилинг, бир донга автомобиль сотиб олиш учун пулни камида иккита қопда кўтариб бориш керак эди!

2010 йилда Туркия иқтисодий ўсиш суръатлари 9,2, 2011 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич мазкур йилларда фақатгина Хитойда юқорироқ эди. Тасаввур қилинг, 2008-2009 йилларда бошланган глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган паллада ана шундай юқори суръатли ўсиш кузатишган. Бу чинакам мўъжизасининг ўзики. Бу даврда кўпчилик ғарб мамлакатларида рецессия кетаётган шароитда турк иқтисодиёти барқарорлашди, инфляция 10 йил давомида 30 фоиздан 7 фоизга тушди. ЯИМ хажми тўрт мартага ўсиб 1 триллион АҚШ долларига яқинлашиб қолди. Аҳоли бошига даромадлар 3 мингдан 11 минг АҚШ долларига етди. Ишсизлик 8,2 фоизга тушиб Европада энг паст кўрсаткичлардан бирига айланди. Экспорт кўлами беш мартага ўсди. Тургидан –тўри инвестициялар 5 йилда 22 мартага ошди. Мамлакат иқтисодий кўлами буйича Европада олтинчи, жаҳонда ўн олтинчи ўринга чиқди. "Ажойиб ўн йиллик"дан руҳланган айрим давлат арбоблари энди "Катта сакраш" – Туркия Республикасига асос солиниганига 100 йил тўладиган 2023 йилда дунёнинг кучли "ўнлиги"га кириш ҳақида орзу қила бошладилар. Бунга эришиш учун йиллик ЯИМ миқдори камида 2 трлн. АҚШ долларига етиши керак. Бу анча қийин, мураккаб масала, албатта. Биринчидан, кейинги йилларда мамлакатда иқтисодий ўсиш субъектлари яна пасайди. 2012-13 -йилларда ЯИМнинг реал йиллик ўсиши 4 фоиз атрофида бўлди. Унинг 66,5 фоизи хизмат кўрсатиш, 24,7 фоиз саноат, 9,2 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳаларида яратилди. Иккинчидан, турк иқтисодиётини мувозанатлашган деб бўлмади. Иқтисодий ўсиш экспорт ҳисобига эмас, балки импорт ҳисобига таъминланиб келмоқда. 2013 йилда экспорт миқдори 151,8 млрд., импорт эса 251,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Кўриниб турибдики, жуда катта пассив савдо баланси, яъни савдо баланси тақчиллиги амал қилади. Иқтисодиётнинг ўсиши билан импорт ҳам ўсиб ётибди. Унинг таркибиде хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар 85 фоизни ташкил этади.

Яқин йилларда ўзгариш бўлиши ҳам қийин. Мамлакатнинг икки асосий савдо ҳамкори – Евроиттифоқда иқтисодий, Яқин Шарқда сиёсий муаммолар охиб-тошиб ётибди. Лекин мамлакатнинг бошқа имкониятлари ҳам бор. Туркия қулай география жойлашган, у тижорат ва тадбиркорлик мамлақати. Бу ерда асосий ролни сиёсат, мафкура эмас, балки иқтисодий манфаат ўйнайди.

Шукур ЖАББОРОВ

Жорий йилнинг 18 декабрь куни Андижон вилоятида банк ходимлари ўртасида спортнинг волейбол тури бўйича ўтказилган "Андижон вилояти хокими кубоги" мусобақаларида "Трастбанк"нинг Андижон филиали ходимларидан таркиб топган волейболчилар жамоаси мусобақа ғолиблигини қўлга киритди.

ҒАЛАБАНГ МУБОРАК АНДИЖОН!

Мазкур мусобақа ўйинлари давлатимиз раҳбарининг "Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида Марказий банк Андижон вилояти Бош бошқармаси, вилоят жисмоний тарбия спорт бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Волейбол федерацияси Андижон вилояти бўлими билан ҳамкорликда вилоят банк ходимларини жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб этиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва волейбол спорт турини янада оммалаштириш мақсадида ташкил этилди.

Хусусан, Андижон давлат тиббиёт институти спорт залида эркаклар ва Андижон давлат университети "Баркамол авлод" спорт залида аёллар жамоалари ўзаро куч синашди.



Таъкидлаш жоизки, "Андижон вилояти хокими кубоги" мусобақалари дастуридан жой олган волейбол турнири жуда шиддатли ва курашларга бой тарзда ўтди.

Қатнашчилар ҳалол спорт тамойилларига амал қилган ҳолда юқори техникани намойиш этишиб, мухлисларнинг олқишлар-ю, юксак баҳосига сазовор бўлишди.

Мурасасиз ўтган беллашув давомида "Трастбанк" жамоаси ғолибликни қўлга киритиб 1-ўринни эгаллаган бўлса, 2-ўрин Марказий банкнинг Андижон вилояти Бош бошқармаси жамоасига ва 3-ўрин Агробанк Андижон филиали жамоасига насиб этди.

Биз Андижон филиали волейболчиларимизни ғалаба билан чин дилдан муборакбод этар эканмиз, уларга келгусида мижозларга банк хизмати кўрсатиш соҳасида ҳам, спорт жабҳасида ҳам янгидан-янги зафарлар тилаб қоламиз.

Банк Ахборот хизмати

"МИЛЛИЙ БАНК" СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ЭТМОҚДА

20 декабрь куни пойтахтимизда теннис бўйича "НБУ Кубоги" бўлиб ўтди. Мусобақа Республика олимпия захиралари теннис мактабида ўтказилди.

Малумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев юртимизда оммавий спортни ривожлантириш зарурлигини кўп бора таъкидлаб ўтган эди. Жумладан, 2020 йил, 30 октябрь санасида давлат раҳбарининг



"Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинган.

"Ўзмиллийбанк" АЖ томонидан ушбу фармон доирасида теннис мусобақаси ташкил этилди.

Давлат бошқарув органлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ўртасида ўтказилган мусобақада 30 нафар ҳаваскор-спортчи қатнашди. Барча иштирокчилар олимпия тизимида 15 та жуфтликка ажратилди. Мусобақани халқаро профессионал ҳакамлар бошқариб борди ва Ўзбекистон теннис федерацияси шифокори спортчилар соғлигини кузатиб турди.

Қуръа натижасига кўра барча жуфтликлар гуруҳларга бўлинди.

Ҳар бир гуруҳда баҳслар давра тизимида ўтказилди. Энг кўп очко жамғарган иккита жуфтлик плей-оффга йўл олди ва биринчи ҳамда учинчи ўринлар учун кураш олиб борди.

Баҳс якунига кўра ғолибликни Фурқат Каримов ва Ёрқин Зоиров жуфтлиги эгаллаб, "НБУ Кубоги"ни қўлга киритишди.

Мусобақада иккинчи ўринни Валерий Тянь, Владислав Шегай жуфтлиги эгаллаган бўлса, учинчи ўрин Мухсин Ашуров, Артур Маурэрларга насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Тақдирлаш маросимида, Жисмоний тарбия ва спорт вазири Дилмурод Хамидуллаевич Набиев, Миллий Олимпия Қўмитаси раиси Рустам Мавзурович Шоабдурахмонов ҳамда "Миллий банк" АЖ Бошқаруви раиси Алишер Қудратуллаевич Мирсоатов иштирок этди.

Ҳаваскорлар ўртасидаги ушбу мусобақа аънанавий кўриниш олиши мусобақа давомида таъкидлаб ўтилди.

Finance.uz



БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ - ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА
АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР
Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Шукр ЖАББОР

ОБУНА ВА РЕКЛАМА
БЎЛИМИ РАҲБАРИ
Ўқтам АБДУЛЛАЕВ
Тел: +998 90 0264090
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

МУАССИС:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧК

Ахборот кўмаги
ЎЗА, "Norma Hamkor" МЧК
www.finance.uz

Тахририят манзили:
100060. Тошкент ш., Юнусобод т.
Осиё кўчаси 1а
e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,

Чоп этишга тайёрловчи:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧК
Газета тахририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси"да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба куни чиқади.
Булортма № г 0730 А-1320
Нархи шартнома асосида.
Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табақда чоп этилди. Босишга рухсат этилди: 22.12.2020 й.,
1 2 3 4 5 6